



MILLIY TIKLANISH

51 (320) ● 2014 йил 17 декабрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



3 СИЁСАТ
 "Гўзаллик салон"лари аёлларнинг нафақат ташқи, балки ички гўзаллигини янада бойитишга, шу билан бирга, ҳаётимизни янада гўзаллаштиришга хизмат қилади. Чунки ташқи кўринишимиз ўзимизга маъқул бўлса, кайфиятимиз ҳам шунга монанд бўлади



7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ
 Демократик меъёрларга кўра, парламент аъзолари халқ томонидан сайланиши керак. Зеро, сайловлар халқ хохиш-иродасини ифодалайди. Сайловчилар, ўз навбатида, сиёсий партиялар орқали ўз номзодига овоз беради



8 КЎЗГУ
 Мамлакатимизда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар жойларда янги иш ўринларини яратиш, маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, иқтисодиётимиз кудратини юксалтиришга хизмат қилмоқда

Партиянинг бош мақсади миллий тикланиш Ғояси-ни амалга ошириш, барқарор миллий ривожланиш-ни таъминлаш, мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, гуманитар ҳаётининг барча соҳаларида миллий манфаатларни ҳимоялашдир.

Юзма-юз



Сайловда муносиб иштирок этиш

ЎзМТДПдан депутатликка кўрсатилган номзодларнинг асосий мақсад-муддаоларига айланган. Бу уларнинг сайловчилар билан бўлаётган учрашувларида ҳам яққол намоён бўлмоқда

Миллий ўзликни англаш ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда жамият олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг бош омилдир. "Биз ким эдик ва бугун қай даражага эришдик, қандай бебаҳо кадриятларга ворисимиз?" деган улугвор саволларга жавоб топши орқалигина халқимиз тараққиёт йўлидан дадил одимлаши айна ҳақиқатдир. Ушбу фикрлар ЎзМТДПдан барча даражадаги вакиллик органларига депутатликка кўрсатилган номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида бот-бот такрорланмоқда.

Учрашувлар жараёнида асосий эътибор партия сайловолди Платформасида белгиланган устувор мақсад ва вазифалар, номзодларнинг сайловолди дастурларини кенг жамоатчиликка таништириш, сайловдан сайловгача бўлган давр мобайнида партия ташкилотлари томонидан олиб борилган ишларни чуқур тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилмоқда. Партиядан депутатликка кўрсатилган номзодлар сайловолди ташвиқотларида бугунги сайловчи аввалгиларидан тубдан фарқ қилиши, у таги пуч ва куруқ ваъдаларга эмас, аниқ ва асосли тақлифларга ишониши, унинг ҳузурига кенг билим, чу-

қур тайёргарлик билан бориш зарурлигига алоҳида эътибор қаратишмоқда.
ХОРАЗМ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 108-Хазорасп сайлов округидан номзоди кўрсатилган Сарвар Отамуратов Питнак шаҳри, Хазорасп шаҳарчаси, Мухомон, Пичоқчи ва Бўстон қишлоқларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Номзод сайловчиларни ЎзМТДП сайловолди Платформасининг мазмун-моҳияти, мақсад-вазифалари ва ўз сайловолди дастури билан таништирди.

2-бет

Сайловдан сайловгача

Демократик ислоҳотлар — миллий манфаатлар ва кадриятларга таянади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси раҳбари Улугбек Муҳаммадиев билан сўхбат.

— ЎзМТДП фракциясининг 2010-2014 йиллар фаолиятидаги устувор йўналишлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.
 — 2010 йилда фаолиятини бошлаган фракциямиз ўзининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадиимиздир» деб номланган маърузасидаги вазифалар асосида белгилаб олди.

хулоса чиқарган ҳолда, мамлакатимизда барча соҳаларда давом этаётган кенг кўламли ислоҳотларда янада фаол иштирок этишни мақсад қилиб олдик. Ўтган давр мобайнида фракциямиз аъзолари партия сайловолди Платформасида акс этган ғоя ва мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилган сайиҳаракатларни олиб борди. Бу йўлда, энг аввало, электорат, бизга юксак ишонч билдирган сайловчиларимизнинг манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини фаол ҳимоялашга йўналтирилган қонунчиликни янада такомиллаштириш, янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга эришишни асосий мақсадиимиз этиб белгилдик.

4-бет



Дилноза Носирова, ЎзМТДП фаоли, (Навоий вилояти):

— Партиямиз сафини изланувчан, ташаббускор, ғоя ва мақсадларимизга ишонган фуқаролар ташкил этиши — асосий мезон.
 Мен "Milliy tiklanish"ни танладим. Сиз-чи?

Партиялараро кураш

Ҳар бир партиянинг ўз йўли бўлсин

бугунги сайловчи баландпарвоз ва куруқ ваъдалар эмас, аниқ ва ҳаётий ғоялар ортидан эргашади

Мамлакатимизда сайловнинг муҳим ва ҳал қилувчи палласи - сайловолди ташвиқоти қизгин давом этмоқда. Барча сиёсий партиялар ва улардан кўрсатилган депутатликка номзодлар миллий сайлов қонунчилиги асосида ўзларига яратилган ушбу имкониятдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Айни пайтда жойларда номзодлар ҳамда уларнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашиб, уларни партия ва ўзларининг сайловолди дастурлари билан таништиришмоқда. Бундан ташқари, сайловолди ташвиқотини олиб бориш жараёнида давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга бир хил эфир вақти ва нашр майдони бепул ажратилиб, тенг имкониятлар яратилмоқда. Бу, шубҳасиз, партиялар ўртасидаги сиёсий рақобат ва ғоялар курашида муҳим аҳамият касб этади, мазкур жараёни адолатли, очиқ-ошкора ўтишига хизмат қилади.

5-бет

Платформа ташвиқоти

Маънавий юксаклик

миллат равақининг муҳим омилдир

5-бет




www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158





Ривожланишнинг устувор соҳаси сифатида уй-жой қурилиши ва инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли фойзаларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратган ҳолда улар учун уй-жой қурилиши давлат дастурининг бажарилиши бундан кейин ҳам тизимли равишда давом эттирилишига кўмаклашиш ЎзМТДПнинг ижтимоий соҳада олиб бораётган фаолиятининг устувор мақсадларидан биридир.

Муносабат

Ҳаёт аёл билан гўзал, оила аёл билан мустақамдир

мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор, аёлларнинг жамиятимизда тутган ўрни хусусида

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, интеллектуал ва маънавий ривожланиши, билим олиши ҳамда зарур касбларни эгаллаши, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.



ни бу фикрнинг яққол исботидир. Улар орасида корхоналар, ташкилотлар раҳбарлари, фермерлар, шифокорлар, фан, маданият, санъат, таълим соҳалари намояндalари кўп. Ҳудуддан эътибор аёлларимиз Ватанимизнинг юксак мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота ажратилгани жамиятимизда уларнинг мавқеини янада ошдириди.

Бу каби чора-тадбирлар хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва маданият соҳаларига оид масалаларни ҳал қилишига кенг жалб этишга, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан аёллар ва болалар саломатлигини мустақамлашга алоҳида аҳамият берилаётган. Ўзбекистонда жaxon ҳам-жамияти томонидан бошқа давлатлар учун намуна сифатида эътироф этилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллий модели яратилган. Умуммиллий ҳаракат-шароитларни яратилишига алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз ташаббуси билан 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташкил қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизда ҳаётининг барча жабҳаларида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш ишларини янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётган.

Халқимиз азалдан аёлларга юксак ҳурмат-эътиром кўрсатишга, уларни авайлаб-асрашга алоҳида эътибор қаратиб келган. Утган йиллар мобайнида бу эзгу анъана янада бойиб, янгича мазмун билан тўлдириб боришмоқда. Бунинг инъикоси ҳаётимизда ўз ифодасини топаётгани буюк келажагимизни бунёд этишга қодир баркамол авлод воёга етаётганида, оилалар фаровонлиги ошиб бораётганида яққол намойён бўлмоқда.

Бугун мамлакатимиз хотин-қизлари, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аёлларга ҳар жиҳатдан эътибор ва ҳурмат кўрсатиш, қишлоқ аёлининг оғирини енгил қилиш, опа-сингилларимизнинг тадбиркорлик, фермерликка оид гоя, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий жамиятнинг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган аҳолининг эллик фоизга яқини хотин-қизлар ташкил этаётган-

дат фойдаланишга мўлжалланган товарларни харид қилиш учун қарийб 215 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ва 57 миллиард сўмлик фойзалар қўллаб-қувватлашга ажратилди. Ана шундай тадбирлар қаторида Касаба уюшмалари федерацияси томонидан 1 миллиард 500 минг сўм қийматидаги машиий электр техника воситалари кам таъминланган оилаларга бепул тарқатилганини қайд этиш лозим.

Мамлакатимизда ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган ишбилармон аёлларга кенг имкониятлар яратиш, уларнинг ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида жорий йилда аёлларимизнинг тадбиркорлик соҳасига жалб этиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида камиди 50 фоиз ишчи-хизматчилари хотин-қизлардан иборат бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 770 миллиард сўмлик кредитлар ажратилганини қайд этди.

Аёл зоти борки, меҳр-мурувват, эъзоз ва эҳтиром, рағбатдан маънавий куч-қувват олади. Зеро, аҳолимиз, аввало, опа-сингилларимизнинг талабига мувофиқ, юртимизда, шу жумладан, чекка қишлоқларда "Гўзаллик салон"лари, таъмирлаш ва тикув цехлари, машиий техникаларни таъмирлаш шохбчаларидан иборат 150 дан ортик хизмат кўрсатиш комплекси барпо этилгани турмуш маданиятини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Шу ўринда "Гўзаллик салон"лари ҳақида кичик бир мулоҳаза: бундай салонлар аёлларнинг нафақат ташки, балки ички гўзаллигини янада бойитишга, шу билан бирга, ҳаётимизни янада гўзаллаштиришга хизмат қилади. Чунки ташки кўринишимиз ўзимизга маъқул бўлса, кайфиятимиз ҳам шунга монанд бўлади. Бу эса оилаларда мустақамлик, ишчимизнинг баракали бўлиши, турмушимиз фаровонлигининг муҳим омилдир.

...Фарғоналик Улмасхон Акбарова мамлакатимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган имкониятлардан фойдаланган ҳолда "Мафтунна Ўлхо" хусусий корхонасини ташкил қилди.

— Юртимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларга доимий гамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, оилаларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, баркамол авлодни воёга етказиш мақсадида давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. — дейди у. — Асли тиббиёт ходимаси бўлсамда, болалигимдан сочларни турмаклаш, юзларни парваришлаш, хуллас, атрофдагиларга гўзаллик

улашишга иштиёқим кучли эди. Шу боис, банкдан олган имтиёзли кредит эвазига гўзаллик салони очиб муваффақ бўлдим. Унда косметология, маникюр-педикюр, стилист-визажистлар хизматларини йўлга қўйиб, ўн уч кишини иш билан таъминладим. Оиламиз бюджетига ўз ҳиссамни қўшаётганим, кишиларга гўзаллик бахш этаётганим менга қувонч бағишламоқда.

Аёл учун оила тинчлиги, фарзандлар камолини кўриш, ўзгаларга нафи тегадиган иш билан шуғулланишдан улғурок бахт бўлмаса керак. Соғлом ва аҳил оилада соғлом бола дунёга келади, бақувват, эл-юрт қорига ярайдиган инсон бўлиб ўсиб-ўлағайди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Президентимиз раҳнамолигида юртимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатдан аёлларимиз ҳам баҳраманд бўлмоқда. Шу боис хотин-қизлар ва болаларнинг касаллигини даражаси кейинги йилларда анча камайди, оналар ва болалар ўлими уч баравар кискарди, аёлларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 75,8 ёшга узайди.

Хотин-қизларни спортга жалб этиш уларнинг саломатлигини мустақамлашнинг муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қизлар ва аёллар учун спортнинг қўллаб-қувватлаш бўйича 35 мингдан ортик секция ташкил қилинган. Ҳар йили аёллар ўртасида ҳудудий спорт фестиваллари ўтказилмоқда. Бугун Ўзбекистонда 3,5 миллион нафардан ортик хотин-қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

"Соғлом аёл — соғлом жамият" шиори остида ўтказиб келинаётган спорт мусобақаларида ҳар йили минглаб хотин-қиз спортнинг волейбол, бадминтон, стол тенниси, шашка, гимнастика ва кувнок эстафета турлари бўйича беллашиб келади. "Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи" мусобақалари оилалар бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилаётган.

— Спорт саломатлик ва гўзаллик асосидир, — дейди бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпиони Нодира Қўшоқова. — Мамлакатимизда мен каби барча ёшларнинг ўзлари қизикқан спорт турлари билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилгани бизнинг маънан етук, жисмонан бақувват бўлиб ўлғайишимизда муҳим аҳамият касб этаётган. Зеро, ёшлари баркамол мамлакатнинг келажаги буюқдир.

Таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда "Соғлом она — соғлом бола" дастури доирасида аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини тарбиялаш, репродуктив саломатлиқни мустақамлаш бўйича маърифий ишлар изчил давом эттирилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимиздаги тинчлик-хотиржамликнинг, инсон бахту-саодати учун олиб борилаётган изчил ислохотларнинг, Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эҳтиромнинг амалдаги самараларидир.

Кесаларни эъзозлаш йилида ҳам бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайиб, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни мустақамлаш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини такомиллаштиришда хотин-қизларнинг ўрни, роли ва масъулияти ортади. Пировард натижада бу халқимиз турмуш даражаси ва сифати изчил ошишига, Ватанимизнинг жaxon ҳамжамиятидаги мавқеи янада юксалишига хизмат қилади.

Бехўод НОРБОВЕВ

Давра суҳбати

Халқимизнинг қадимий анъаналари ва маънавий қадриятлари ўсиб келаётган ёш авлодда миллий ўзликни англаш туйғусини шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Муҳим жараёнга муносиб ҳозирлик

партия муваффақиятини кафолатлайди

"Юксак маънавият — енгилмас куч" эзгу гоёсини рўёбга чиқаришда миллий анъана ва қадриятларни янада мустақамлаб бориш, XXI асрда юксак маънавий-интеллектуал тараққиётга эришиш учун мамлакатни модернизация қилиш ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнини кучайтириш, ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналар руҳида тарбиялашни мақсад қилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг гоёлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалари сайловчиларнинг эътиборини тортмоқда. Айниқса, партиянинг аҳолини иш билан таъминлаш, маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш, тўлов контракт асосида таъ-

сил олиш имкониятларини янада кенгайтириш каби вазифалари сайловчилар томонидан илиқ қутиб олинмоқда. Улар "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча соҳадаги мақсад-вазифаларни аниқ, ҳаётий ва яшовчан эканини эътироф этишмоқда. Сайловчилар ЎзМТДП барча масалаларини ҳал этишда, энг аввало, миллий манфаатларни инобатга олган ҳолда ёндашаётганига қизиқиш билдиришмоқда. Аксарият сайловчининг фикрича, тараққиётда миллий хусусиятларнинг инобатга олиниши келажақдаги муваффақиятларимизга замин ҳозирлайди. Бугунги давра суҳбатида иштирок этган сайловчилар ҳам ана шундай фикрда.



Камола ЖўРАЕВА, Бухоро вилояти:

— Мамлакатимизда меҳнат бозорини ривожлантириш ва кенгайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва бу орқали унинг турмуш фаровонлигини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун ҳар йили давлат дастурлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этиляпти. Қўшимча иш ўринларини яратишга қаратилган изчил чора-тадбирлар бу йилги сайловда иштирок этаётган тўртала сиёсий партиянинг ҳам янги сайловолди Платформасидан муҳим ўрин эгаллаган. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ўз олдига қўйган мақсади бошқа партияларга нисбатан аниқ ва ҳаётий эканига ишонч ҳосил қилдим. Партия электорат бандлиги, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш эвазига уларни иш билан кўнайиши ва миллий анъаналаримизга мос бўлган оилавий корхоналар фаолиятининг янада ривожланишига замин ҳозирлайди. ЎзМТДПнинг хотин-қизлар бандлигини ошириш борасидаги тақдирини ижтимоий ҳаётдаги мавқеини мустақамлашга хизмат қилади. 28-Ғиждувон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ЎзМТДПдан номзод этиб рўйхатга олинган Шарофат Обидова ҳам сайловчилар билан учрашувда партия ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлаб ўтди. Англашмича, партия кейинги беш йиллик фаолиятида ўғил-қизларнинг касб-хунар сирларини ўрганишларига гамхўрлик қилиш, мустақил иш бошлашларига кўмаклашиш, бу борада маҳалла, таълим муассасаси ва банклар ўртасида ҳамкорликни мустақамлаш каби вазифалар рўёби учун хизмат қилишга бел боғлаган. ЎзМТДПнинг бу борадаги мақсад-вазифалари халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам мен бўлажак сайловда партия гоёларини қўллаб-қувватлайман ва унинг номзодларига овоз бераман.

Музаффар НОРҚОБИЛОВ, Сурхондарё вилояти:

— Бугун фуқаролар, кенг жамоатчиликнинг диққат-эътибори муҳим сиёсий воқелик — сайловга қаратилган, десак муболага бўлмайди. Айни кунларда сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар аҳоли орасида сайловолди ташвиқотига, сайловчилар билан учрашувларга фаол киришилган. Сайловолди жараёнида номзодларнинг салоҳиятини аниқлашнинг энг муҳим воситаси эса улар билан юзма-юз мулоқотга киришидир. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 72-Қумқўрган сайлов округидан номзод Рустам Норлиев билан учрашувда иштирок этиб шунга амин бўлдимки, бугун фуқароларнинг сиёсий партиялар, хусусан, депутатларга бўлган талаби тубдан ўзгарган, улардан қуруқ ваъда эмас, балки чинакам амалий ишларни, аниқ ва асосли тақдирларни, келажақда уларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган пухта ва пишиқ дастурларни қутушишга, Бу, айниқса, фуқароларнинг номзодларга бераётган савол ва тақдирларида ҳам яққол намойён бўлмоқда.

Номзод ўз сайловолди дастурида вилоятнинг Қумқўрган, Қизирқ туманларида жойлашган, ҳали тўлиқ ўрганилмаган тарихий жойларни, меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш бўйича маҳаллий ижроия органларига тақлиф қилиш ҳамда унинг ҳудудий дастурларда ифодасини топишига эришишни ўз олдига мақсад қилганини таъкидлади. Бу эса, ўз навбатида, мавжуд маданий ёдгорликларни, юртимиз шаҳарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли омади атиқалар сифатида асраб-авайлаш ва қайта таъмирлашга кўмаклашиш сингари ЎзМТДП мақсад-вазифалари ижросида, шунингдек, вилоятимизнинг туристик салоҳиятини янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши билан ҳар жиҳатдан маъқул.

Сайловнинг юқори савияда ўтиши кўп жиҳатдан фуқароларнинг мазкур муҳим сиёсий жараённинг аҳамиятини чуқур тушуниб етишига боғлиқ. Яъни сайловда биз ким ва нима учун овоз беришимиз, овозимиз аҳамияти ҳақида ҳар биримизда етарли тушунча, аниқ нуқтаи назар, онгли муносабат бўлиши лозим.

Гулзода ОТАНИЯЗОВА, Қорақалпоғистон Республикаси:

— Сайлов кампанияси ҳал қилувчи паллага кириб бормоқда. Жойларда депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари қизгин тус олган. Бу йил мен ҳам бошқа тенгдошларим сингари сайловда биринчи марта овоз бераман. Шу боис депутатликка номзодларнинг фуқаролар билан учрашувларида иштирок этиб, мақсадли дастури ва мақсадли билан яқиндан танишиб боришга ҳаракат қилияман. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 1-Нукус сайлов округидан номзод қилиб рўйхатга олинган Анвар Шразов билан учрашувда иштирок этиб, унинг сайловолди дастури билан танишиб имкониятига эга бўлдим. Маълумки, таълим олиш ёшларнинг ҳаётий қадриятлари тизимида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Номзоднинг сайловолди дастуридаги тўлов-контракт асосида олий таълимга эга бўлиш имкониятларини кенгайтириш, таълим жараёнига замонавий, истиқболли илм-фан ютуқларини жорий этиш, илмий фаолиятга истеъдодли, қобилиятли ёшларни жалб этиш орқали юксак интеллектуал жамиятни шакллантиришга кўмаклашиш каби мақсад ва вазифалар нафақат менда, балки барча тенгдошларимда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Номзоднинг, айниқса, ёшларда Ватанга муҳаббат, садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат ва қадриятларнинг ҳаётимизда тутган ўрнини очиб берадиган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказиш орқали навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, уларни турли зарарли ахборотлар хуружидан ишончли ҳимоялаш, ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ва самарали ташкил этиш борасидаги мақсадлари биз ёшлар учун айни муддаодир. Учрашувдан сўнг мен ва кўп тенгдошларимда ана шу номзодга овоз бериш фикри тўғилди.

Ҳасан САЛОМОВ, Шаҳзод ҒАҒФОРОВ, "Milliy tiklanish" мухбирлари



Аҳоли, айниқса, қишлоқ жойлардаги фуқароларнинг юқори даражада ахборотга эга бўлишини таъминлаш, ягона миллий ахборот маконини шакллантириш орқали замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш партиянинг ахборот соҳасидаги вазифаларидан бири ҳисобланади.

Сайловдан сайловгача

Демократик ислохотлар — миллий манфаатлар ва қадриятларга таянади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси раҳбари Улғбек Муҳаммадиев билан суҳбат

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Бинобарин, бугун мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан борар эканмиз, бу борада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш асосий ўрин тутди. Қонун устуворлигига эришишда Президентимиз таъкидлаганидек, қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатиш фракциямиз аъзоларининг доимий диққат марказида бўлди. Бу ишларнинг самарадорлигини ошириш учун партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини узвий йўлга қўйишга ҳаракат қилдик.

Таъкидлаганимиздек фракциянинг асосий фаолияти, аввало, партия электорати манфаатларини қабул қилинаётган қонунларда ифода қилинади. Бир сўз билан айтганда ўтган давр мобайнида фракция қонун ижодкорлиги борасида қандай ишлари амалга оширишди?

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг ўтган давр мобайнида қонун ижодкорлиги фаолиятида Президентимиз томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўша мажлисида тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш устувор аҳамият касб этди.

Беш йиллик фаолият фракциямиз аъзолари иштирокида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 19 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди. Уларнинг 15 таси қабул қилиниб, кўчга кирди.

Концепциянинг Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришга қаратилган йўналишида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, фракциямиз аъзолари иштирокида «Сайлов эркинлигининг бундан буюн ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ва мазкур қонун қабул қилиниб кўчга кирди. Қонун мамлакатда барпо этилган мустақил ва ноёб сайлов тизимини янада демократлаштиришга, хусусан, сайлов жараёнларининг янада ошқора ва очиқ бўлишини таъминлашга, сайловда ташвиқоти ни ўтказиш механизми самарадорлигини оширишга қаратилган.

Шунингдек, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси фракциямиз аъзоларининг фаол иштирокида Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар,

авваломбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлашга қаратилган мазкур қонунни қабул қилишда илк бор мамлакатимизда иккита вилоят, яъни Бухоро ва Самарқанд вилоятларида қонун лойиҳасининг нормалари ҳуқуқий экспериментдан ўтказилди. Концепциянинг Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш йўналишида қайд этилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳам фракциямиз аъзолари иштирокида тайёрланиб, Қонунчилик палатасига киритилди ва қизгин муҳокамалардан сўнг қабул қилинди.

Парламентнинг яна бир муҳим функцияси бўлган парламент назоратидан фойдаланиш борасида фракциянинг амалга оширилган ишлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.

Фракция аъзолари Қонунчилик палатасининг турли қўмиталарига тақсимланган бўлиб, улар қўмиталарнинг самарали фаолият юритишига, ўзларининг салмоқли хиссаларини қўшишлари. Жумладан, 2010-2014 йиллар давомида фракция аъзолари марказда ва жойларда қатор қонунларнинг ижро этилиши ҳолатини назорат-таҳлил фаолияти тартибда ва сайловчилар билан учрашувлар жараёнида ўрганиш ишларини амалга оширишди. Уларнинг яқунлари бўйича қабул қилинган қарорлар амалдаги қонунларнинг ижроси юзасидан аниқланган камчиликларни бартаараф этишда муҳим омил бўлди.

Таъкидлаш хоизки, 2010-2014 йилларда фракция ташаббуси билан партия электорати манфаатларини таъминлаш ҳамда айрим соҳалар ривожига қаратилган бир қатор парламент эшитувлари ташкил этилди.

Жумладан, мамлакатимиз меҳнат бозорига келиб қўшилаётган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчиларини улар эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш масаласининг долзарблигини инобатга олиб фракция ташаббуси билан 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирларининг «Касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлашнинг ўз ичига олувчи чора-тадбирлар амалга оширилишининг ҳолати тўғрисида»ги ахборотлари Қонунчилик палатаси мажлисида тингланди. Парламент эшитуви натижалари асосида мутасадди вазирлик ва идораларга касб-хунар коллежларида талаб этилган йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлашни, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан, шу жумладан эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлашни ўз ичига олувчи чора-тадбирлар комплекси изчил амалга оширилишини ташкил этиш вазифаси юкланиб, палатанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Миллий иқтисодиётимизнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган ҳамда Ўзбекистон халқларининг ноёб маънавий бойлиги ва тарихий меросини тарғиб қилиш воситаси ҳисобланган туризмни ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари талабларини бажаришнинг боришини таҳлил этиш ва ҳолис баҳолаш мақсадида фракциямиз аъзолари ва маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан жойлардаги ахвол ўрганилди.

Ўрганиш ва таҳлиллар натижаларидан келиб чиқиб, фракция ташаббуси билан 2013 йилда «Ўзбектуризм» миллий компанияси раисининг «Ўзбекис-

тонда туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилишининг бориши тўғрисида»ги ахбороти Қонунчилик палатаси мажлисида тингланди.

Парламент эшитуви яқунлари бўйича манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотларга, маҳаллий ҳокимият органларига жойларда туризмни ривожлантириш ҳамда тегишли инфра-тузилмани шакллантириш минтақавий дастурларининг сифатли ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлаш, соҳада кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш самарадорлигини ошириш ҳамда соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, туристларни ахборотдан хабардор қилиш тизимини вужудга келтириш ва зарур ахборотни айир-бошлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни кўриш юзасидан вазифалар юклатилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

ЎзМТДП фракцияси аъзолари сайловчилар билан учрашувлар чоғида ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда жойларда «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг бажарилишини таъминлаш, мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш шароитларида мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларни педагог кадрлар ва замонавий моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳолатини ўрганишди. Натижада, 2014 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг «Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳолати ва истиқболлари, уларни педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда мазкур муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги ахбороти эшитилди.

Мактабгача таълим муассасаларининг бугунги кундаги фаолияти, аҳоли, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, кўзда тутилётган режалар, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасидаги сазй-ҳаракатлар, соҳанинг қонунчилик базаси ва уни ижро этиш ҳолати ҳамда бу борадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни назарда тутувчи масалалар муҳокама этилди.

Шу билан бирга, фракциямиз аъзоларининг жойларда сайловчилар билан ўтказган учрашувлари чоғида кўтарилган долзарб масалаларни ҳал этиш ҳамда партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар, электоратимиз манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида фракциямиз масъул бўлган Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан ҳамкорликда бир қатор эшитувлар ташкил этилди.

Шунингдек, фракция аъзолари 2010-2014 йиллар давомида Қонунчилик палатаси қўмиталарининг 300 га яқин назорат-таҳлил фаолиятида иштирок этишиб, марказда ва жойларда қонунлар ҳамда Давлат дастурларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш ишларини амалга оширишди. Фракция аъзолари ўрганиш яқунларидан келиб чиқиб, қонунларни такомиллаштириш, уларнинг жойлардаги ижроси самарадорлигини оширишга қаратилган тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишди ва тегишли қўмиталарга тақдим этишди.

Ўтган даврда фракция аъзоларининг ўз сайловчилари билан ўтказган мулоқотлари ва улар томонидан жойларда кўтарилган масалалар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

Дарҳақиқат, депутатлар мамлакатимизда сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, иж-

тимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг самаралари, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари тўғрисида ўз сайловчиларига ахборотлар бериш мақсадида сайлов округларида ҳам фаолият олиб боришди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 62-моддасига мувофиқ фракция аъзолари ўз сайловчилари билан бевосита мулоқотлар ўтказишди.

Умуман, фракция аъзолари томонидан жойларда ўз сайловчилари билан 2077 та учрашувлар ўтказилиб, уларда 253 000 нафарга яқин сайловчилар иштирок этишди.

Жойлардаги учрашувларда сайловчилар томонидан қонунчилик соҳаси, молия, солиқ, божхона, банк муассасалари фаолияти, ижтимоий, қишлоқ ҳўжалиги, уй-жой, коммунал хизмати, транспорт, қурилиш, алоқа, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ва бошқа масалаларга оид 7567 та масала кўтарилган бўлиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан биргаликда уларни ҳал этиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Яқинда бўлиб ўтган партиянинг Съездида янги сайловолди Платформаси қабул қилинди. Сайлов натижасида парламентга қолаверса маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар олдида қандай вазифалар турибди? Бўлажак депутатлар нималарга аҳамият беришлари лозим?

Очилини тан олиш керак, фракциямиз аъзолари ўз фаолиятда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмади. Шу боис янги Платформада аниқ ва мақсадли вазифалар белгилаб олдик. Хусусан, яқиндагина Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида конституцион ислохотлар ҳақида гапириб, сиёсий партияларнинг етулик даражаси, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат ҳозирги сайловолди тарғибот ишлари шуни кўрсатмоқдаки, халқимизнинг онг тафаккури, дунёқарashi ўзгариб, уларда мамлакат тақдир учун дахлдорлик туйғуси юксалган, эртанги кунга ишончи мустаҳкам. Бу эса сиёсий партиялардан сайланадиган депутатлар олдида катта масъулият юклайди.

Зеро, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: «... аввало, Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб қилинади» дея таъкидлаб ўтдилар.

Бугун олдимизда турган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳақида гапирар эканмиз, бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, энг аввало, Конституциямиз талабларидан келиб чиқиб, ижроия ҳокимият фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблайди.

Парламентнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиликлар, туб ислохотлар тарғиботисига айланганга эришиш энг асосий вазифа бўлмоғи зарур.

Энг муҳими, сайловдан муваффақиятга йўналган депутатларимиз ўз фаолиятида доимо сайловчилар олдидаги бурчини унутмаслиги, ваколатлардан унумли фойдаланиши лозим.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, авваломбор, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда миллий манфаатлар ва қадриятларга таянган ҳолда ташаббускор бўлиши шарт.

Сўз — номзодга

Аҳоли саломатлиги муҳофазаси —

ЎзМТДПнинг устувор вазифаси

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон 2011 йилда "Болаларни асрайлик" (Save the children) халқаро ташкилоти томонидан таъинланган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингига ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп гамхўрлик кўрсатаётган давлатлар орасида тўққизинчи ўринни эгаллади. Бу мамлакатимизда бола-лар саломатлигига кўрсатилаётган гамхўрликнинг халқаро даражада эътироф этилишидир.



ланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Зеро, партия сайловолди Платформасида аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, миллат генофонди ва репродуктив саломатлиқни сақлашга кўмаклашиш устувор мақсад-вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Шунинг учун ҳам халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод сифатида сайловчилар билан учрашувларда ЎзМТДПнинг соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказиш вазифасига алоҳида эътибор қаратилган. Сайловолди дастуримда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соғлом авлод тарбиясида жисмоний ва маънавий камолот уйғунлигини амалда намойиш этиш; ёшларга касб сирларини ўргатиш, малакали мутахассислар тайёрлашга ҳисса қўиш вазифаси кенг ўрин олган. Шунингдек, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник ҳолатини янада яхшилаш, оналик ва болалиқни муҳофаза этишда жамоатчилик фикрини ўрганиш, таҳлил қилиш ва бу борада мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига тақлифлар киритишни мақсад қилдик. Жисмонан соғлом ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, болалар ва ёшларнинг кенг қўламли спорт билан шуғулланишини учун қулай шарт-шароит яратиш, миллий спорт турларини қайта тиклашга кўмаклашишга доимий диққат-эътибор қаратиш ҳам сайловолди эътибори жоз. Хусусан, ўтган йиллар давомида одамлар онгиди ўзи ва оила аъзолари саломатлигига бўлган эътибор борасида сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй берди. Фуқароларимиз бугунги кунда оммавий спорт, соғлом турмуш тарзининг ҳам саломатликка, ҳам оила бюджетига ижобий таъсирини, касалликка чалинишдан қўра унинг олдини олиш осон, арзон ва барчанинг қўлидан келадиган иш эканлигини тўғри англамоқдалар. Зеро, бу "Миллий тикланиш" демократик партияси мақсад-вазифаларига мос ва уйғундир. Тугиш ёшидаги аёллар, ёш оилалар, ёш оналар учун оилавий шифокорлар томонидан олиб борилаётган тиббий тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари аниқ самара бермоқда. Бугунги кунда "Соғлом она—соғлом бола" концепциясини амалга ошириш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар ҳаётга изчил таъбиқ этилмоқда. Бугунги кун ота-оналари оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш давлат ва жамиятимизнинг энг олий мақсади эканини яхши тушунади.

Бу жараёнда жамоатчилик салохиятидан, жамоат назорати имкониятларидан, фуқароларимиз ҳаётида муҳим рол ўйнаётган ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг кўмагидан, ҳамкорлигидан янада кенгроқ, унумли ва самаралироқ фойда-

Хар қандай мамлакатнинг энг катта бойлиги бу инсон саломатлигидир. Юртимизда аҳоли саломатлигини асраш, тиббий хизмат кўрсатишни жаҳон андозасида амалга ошириш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар ҳаётга изчил таъбиқ этилмоқда. Бугунги кун ота-оналари оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш давлат ва жамиятимизнинг энг олий мақсади эканини яхши тушунади.

Муҳиддин ҲУРОЗОВ, Сергели УРАНОДИЙ "Блесс Ураз Мед" хусусий клиникаси раҳбари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан кўрсатилган номзод



Партия миллий ўзликни англаш, ватандошларимизда миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғуларининг мустақам қарор топиши масалаларига ҳамisha катта эътибор қаратади, «Биз киммиз? Аجدодларимиз ким эди? Миллатимиз қандай фазилатларга таяниб, юксак марраларга эришди ва оламшумул шухрат қозонди?» деган масалаларга жавоб излаш партиянинг маънавий-маърифий соҳадаги асосий йўналишидир.

Платформа ташвиқоти

Маънавий юксаклик

миллат равнақининг муҳим омилidir

Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда туб ислохотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида инсон ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият сифатида қаралган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда халқимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимиз, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, ёшларда ўзликни англаш, ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат ҳисларини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимизнинг бой тарихи, маданияти, илмий-маданий мероси ҳамда мустақиллик йилларида эришилган юксак натижалар, жумладан, маънавият ва маърифат соҳасида амалга оширилган улкан ислохотлар жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини тортмоқда. Бу жорий йилнинг 15-16 май кунлари Самарқандда бўлиб ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига қандай роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқроқ конференцияда иштирок этган 50 дан ортук мамлакатлар нфузули олимлари, мутахассис ва экспертлари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди. Таъкидланганидек, ўрта асрлар Шарқ мутафаккирларининг инсоният тамаддуни, илм-фан ва маънавий тараққиёт хазинасига қўшган ҳиссаси гоят беназирдир. Буюк сиймолар томонидан амалга оширилган оламшумул кашфиётлар бугунги тараққиёт учун нақадар муҳим эканини

очиб бериш, ушбу дурдона меросдан ёш авлодни баҳраманд этиш, уни янада теран тадқиқ қилиш ва оммалаштириш улкан аҳамиятга эга. Мамлакатимизда фарзандларимизни буюк аждодларга муносиб ворис этиб тарбиялаш, ёш авлодни ҳеч кимдан кам бўлмай, соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш йўлида чексиз ғамхўрлик кўрсатилаётди. Таълим, маданият, маърифат, спорт ва санъат соҳалари ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, ёшларнинг таълим олиши, маънавиятини юксалтириши, комил инсон бўлиб вояга етиши учун барча қўлайликлар, шарт-шароитлар яратилди. Бугун Давлат бюджетининг 30 фоиздан ортук маблағлари айнан таълим тизимига йўналтирилмоқда. Бунинг яққол тасдиғидир. Дунёнинг энг нфузули олий ўқув юрлари — халқроқ Вестминистер, Турин, Инха каби университетларнинг мамлакатимизда филиаллари очилди. Ёшларга оид давлат сиёсатининг из-

чиллик билан амалга оширилмоқда. Натижасида фарзандларимиз халқроқ миқёсдаги турли кўрик-танлов, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида юқори ўринларни эгаллаб, юртимиз шаарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш устувор мақсадларидан бўлган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўзининг сайловолди Платформасида маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, жумладан, миллий ўзликни англаш, аҳоли, айниқса, ёшларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш ва мустақам қарор топтиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилади. Халқимизнинг ибратли фазилатлари ва меросини авлоддан авлодга ўтказиш, "Биз киммиз? Аждодларимиз ким эди?" даъватининг мазмун-моҳияти маънавий-маърифий соҳадаги вазифаларимизнинг мағзини ташкил этмоқда. Зеро, айнан ўзликни англаш, миллий ва маънавий қадриятларни асраб-авайлаш, улуг аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан мероси, ўзбек халқининг фазилатлари юртимизда амалга оширилмоқда. Дунёнинг энг нфузули олий ўқув юрлари — халқроқ Вестминистер, Турин, Инха каби университетларнинг мамлакатимизда филиаллари очилди. Ёшларга оид давлат сиёсатининг из-

чиллик билан амалга оширилмоқда. Натижасида фарзандларимиз халқроқ миқёсдаги турли кўрик-танлов, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида юқори ўринларни эгаллаб, юртимиз шаарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш устувор мақсадларидан бўлган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўзининг сайловолди Платформасида маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, жумладан, миллий ўзликни англаш, аҳоли, айниқса, ёшларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш ва мустақам қарор топтиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилади. Халқимизнинг ибратли фазилатлари ва меросини авлоддан авлодга ўтказиш, "Биз киммиз? Аждодларимиз ким эди?" даъватининг мазмун-моҳияти маънавий-маърифий соҳадаги вазифаларимизнинг мағзини ташкил этмоқда. Зеро, айнан ўзликни англаш, миллий ва маънавий қадриятларни асраб-авайлаш, улуг аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан мероси, ўзбек халқининг фазилатлари юртимизда амалга оширилмоқда. Дунёнинг энг нфузули олий ўқув юрлари — халқроқ Вестминистер, Турин, Инха каби университетларнинг мамлакатимизда филиаллари очилди. Ёшларга оид давлат сиёсатининг из-

чиллик билан амалга оширилмоқда. Натижасида фарзандларимиз халқроқ миқёсдаги турли кўрик-танлов, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида юқори ўринларни эгаллаб, юртимиз шаарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш устувор мақсадларидан бўлган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўзининг сайловолди Платформасида маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, жумладан, миллий ўзликни англаш, аҳоли, айниқса, ёшларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш ва мустақам қарор топтиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилади. Халқимизнинг ибратли фазилатлари ва меросини авлоддан авлодга ўтказиш, "Биз киммиз? Аждодларимиз ким эди?" даъватининг мазмун-моҳияти маънавий-маърифий соҳадаги вазифаларимизнинг мағзини ташкил этмоқда. Зеро, айнан ўзликни англаш, миллий ва маънавий қадриятларни асраб-авайлаш, улуг аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан мероси, ўзбек халқининг фазилатлари юртимизда амалга оширилмоқда. Дунёнинг энг нфузули олий ўқув юрлари — халқроқ Вестминистер, Турин, Инха каби университетларнинг мамлакатимизда филиаллари очилди. Ёшларга оид давлат сиёсатининг из-

чиллик билан амалга оширилмоқда. Натижасида фарзандларимиз халқроқ миқёсдаги турли кўрик-танлов, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида юқори ўринларни эгаллаб, юртимиз шаарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш устувор мақсадларидан бўлган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўзининг сайловолди Платформасида маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, жумладан, миллий ўзликни англаш, аҳоли, айниқса, ёшларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш ва мустақам қарор топтиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилади. Халқимизнинг ибратли фазилатлари ва меросини авлоддан авлодга ўтказиш, "Биз киммиз? Аждодларимиз ким эди?" даъватининг мазмун-моҳияти маънавий-маърифий соҳадаги вазифаларимизнинг мағзини ташкил этмоқда. Зеро, айнан ўзликни англаш, миллий ва маънавий қадриятларни асраб-авайлаш, улуг аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан мероси, ўзбек халқининг фазилатлари юртимизда амалга оширилмоқда. Дунёнинг энг нфузули олий ўқув юрлари — халқроқ Вестминистер, Турин, Инха каби университетларнинг мамлакатимизда филиаллари очилди. Ёшларга оид давлат сиёсатининг из-

чиллик билан амалга оширилмоқда. Натижасида фарзандларимиз халқроқ миқёсдаги турли кўрик-танлов, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида юқори ўринларни эгаллаб, юртимиз шаарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш устувор мақсадларидан бўлган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўзининг сайловолди Платформасида маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, жумладан, миллий ўзликни англаш, аҳоли, айниқса, ёшларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш ва мустақам қарор топтиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилади. Халқимизнинг ибратли фазилатлари ва меросини авлоддан авлодга ўтказиш, "Биз киммиз? Аждодларимиз ким эди?" даъватининг мазмун-моҳияти маънавий-маърифий соҳадаги вазифаларимизнинг мағзини ташкил этмоқда. Зеро, айнан ўзликни англаш, миллий ва маънавий қадриятларни асраб-авайлаш, улуг аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан мероси, ўзбек халқининг фазилатлари юртимизда амалга оширилмоқда. Дунёнинг энг нфузули олий ўқув юрлари — халқроқ Вестминистер, Турин, Инха каби университетларнинг мамлакатимизда филиаллари очилди. Ёшларга оид давлат сиёсатининг из-

Партияларо кураш

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида сиёсий партияларнинг етуқлик даражаси, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётганини алоҳида эътироф этди. Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда амалга оширилмоқда кенг қўламли демократик ислохотлар натижаси фуқароларимиз онгу тафаккурида, қарашларида, сиёсий партиялар фаолияти кучайиб, улар ўртасидаги соғлом рақобат муҳити ривожланиб бораётганини ҳам намоён бўлаётди. Бу жорий йилги сайловга тайёргарлик жараёнида, сайловолди ташвиқот ишлари, сайловчилар билан бўлаётган юзмага-юз мулоқотлар давомида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Бугунги сайловчи кечаги сайловчи билан қиёслаб бўлмайди, бугун фуқароларнинг тафаккури, дунёқараш ва кайфияти тубдан ўзгариб, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси, эртанги кунга муносабати ва ишончи тобора мустақамланиб, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ўсиб бораётди. Вакиллик органларидан кўпчилик ўрини эгаллаш ва сиёсий ҳокимият учун қизгин курашаётган сиёсий партиялар бугунги сайловчи олдида мукамал, пухта, пишиқ ҳамда ҳаётий дастурлар, одамларнинг бугун ва эртаси учун муҳим бўлган масалалар билан чиқса, уларни ўз мақсад-ғояларига ишонтириб, ўз ортидан эргаштира олсагина кўпроқ овоз олиши мумкин. Айни пайтда аҳолининг манфаатларини эрқин ифода этган, уларнинг эҳтиёжларини қондира оладиган аниқ дастурларни илгари сураётган сиёсий партиягина сайловда самарали натижага эриша олади.

Аммо сайловолди ташвиқоти жараёнида аён бўлмоқдаки, айрим сиёсий партиялар сайловчи ишончини қозониш учун баландпарвоз, қуруқ ваъдалардан нарига ўтолмайпти. Янада аниқроқ айтадиган

Ҳар бир партиянинг ўз йўли бўлсин

бугунги сайловчи баландпарвоз ва қуруқ ваъдалар эмас, аниқ ва ҳаётий гоғлар ортидан эргашади

бўлсак, айрим ҳолларда партиялар мамлакатимизда амалга оширилмоқда ислохотлар жараёнидан ортда қолмоқда. Уларнинг сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий етуқлиги ва тайёргарлиги замон олдимизга қўяётган вазифаларга етарли даражада жавоб бермаётди. Ўз сайловолди Платформаларида илгари сураёт-

лишида бирон бир иш "қойиллатиб" ҳам қўйилмаган. Иккинчидан, замон шиддати олдида кечаги гап бугунга тўғри келмаслиги ҳам айни ҳақиқат. ХДП ўз-ўзига маҳлиё бўлиб, янги давр янги гоғларни талаб этишини, бугунги сайловчининг тафаккури, дунёқараш ва кайфияти тубдан ўзгаришини сезмаётган кўринади.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш борасида ўзини нфузули партия деб ҳисоблайдиган ЎзЛиДеп томонидан тадбиркорлар, фермерлар ва мулкдорлар фаолиятини ривожлантириш, эркинлигини таъминлаш борасида илгари сурилаётган мақсад-вазифаларга "лидеп"чилар пайдо бўлмасидан олдинроқ пухта замин тайёрланган, кенг қўламли ишлар амалга оширилган эди. Бу эса ЎзЛиДепнинг мамлакатимизда бу борада амалга ошириб келинаётган ислохотлар атрофида ўралашиб қолишидан бошқа нарса эмас.

ган мақсад-вазифалар доирасида "такимиллаштириш", "мустақамлаш", "кенгайтириш", "қўллаб-қувватлаш" сингари таърифлар билан чегараланиб, мақсадларини амалга оширишининг аниқ механизми юқсатилмаган. Бу, айниқса, Халқ демократик партияси ва Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партияси сайловолди Платформасида ҳамда партия вакиллари чиқишида кўпроқ кўзга ташланади. Масалан, ХДП узок вақтдан буён ҳар бир сайловолди Платформасида ижтимоий ҳимоя ва бандлик масаласини илгари суради. Партия вакилларининг чиқишида ҳам бу борада ХДП ва унинг депутатлари жонбозлик кўрсатаётгани айтилади. Аслида партия Платформаси билан танишсангиз бу борада аниқ бир механизм ишлаб чиқилмаганида гувоҳ бўласиз. Аниқ бир ечим бўлмагач, партиянинг ўтган йиллар тажрибасига назар солсак, бу йўна-

Шу ўринда ХДП вакиллари ЎзМТДП сайловолди Платформасида интернет хавфсизлиги масаласида эътибор қаратилмаган, деган айбловни қўйишмоқда. Аммо Платформамиз билан янада чуқурроқ танишиб чиқишса, белгиланган мақсад-вазифаларимиз мазмун-моҳиятида бу масала яққол ўз аксини топганига гувоҳ бўлишадимиз. Сайловолди Платформамизда "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ёшларни муҳофаза қилиш мақсадида уларни маданий-тарихий ёдгорлик масканларига, кутубхоналарига, кўрғазмаларга кенг жалб қилиш, театрларда очик эшиклар кунларини ташкил этиш мақсадлари илгари сурилган. "Оммавий маданият" асосан интернет тармоғи орқали кириб келаётганини инобатга олinsa, ХДП вакиллари бу борада ноҳақ эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ва оширилаётган ишларни ўзиники си-

фатида санашни афзал билишда ЎзЛиДеп ҳам ХДПдан орқанда қолмоқчи эмас. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш борасида ўзини нфузули партия деб ҳисоблайдиган ЎзЛиДеп томонидан тадбиркорлар, фермерлар ва мулкдорлар фаолиятини ривожлантириш, эркинлигини таъминлаш борасида илгари сурилаётган мақсад-вазифаларга "лидеп"чилар пайдо бўлмасидан олдинроқ пухта замин тайёрланган, кенг қўламли ишлар амалга оширилган эди. Бу эса ЎзЛиДепнинг мамлакатимизда бу борада амалга ошириб келинаётган ислохотлар атрофида ўралашиб қолишидан бошқа нарса эмас.

Яна бир ажабланарли ҳолат. "Лидеп"чиларнинг сайловолди Платформаси ва оммавий ахборот воситалардаги чиқишларини кузатсангиз улар жуда кўп соҳаларни хусусийлаштириш, соддароқ қилиб айтганда "тихоратлаштириш" тарафдори эканлигини англаш қийин эмас. Ахир, ўйлаб кўринг, таълим, соғлиқни сақлаш каби шундай соҳалар борки, уларни буткул "тихорат"лаштириб бўлмайди. Бу, биринчидан, таълим ёки тиббий хизмат сифатига таъсир қилса, иккинчидан буни ҳамма билган ҳам ҳаёнинг кўтаравермайди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси бу борада мақбул йўлни танлаган.

Биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бормоқдамиз. Аёнки, бу борада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш асосий ўрин тутади. Даромадларни адолатли тақсимлаш, аҳоли даромадларида табақаланиш юзга келишининг олдини олиш ҳақида "бонг урадиган" "Адолат" СДПнинг сайловолди Платформасида мазкур масала аниқ очиб берилмаган, механизмлари кўрса-

тилмаган. Бу эса, ўз-ўзидан, сайловчилар учун мавҳум бўлиб қолмоқда. Шунингдек, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш, инновацион тараққиёт тарафдори бўлган "адолат"чилар мазкур йўналишда аниқ амалий ишни бажаролганига гувоҳ бўлганимиз йўқ. Сайловолди Платформасида ҳам бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни ривожлантириш, тақомиллаштириш, кучайтириш каби таърифлар билан чекланган, ҳолос.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз фаолияти давомида маънавият, миллий ўзликни англаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу партияимизнинг сайловолди Платформасида ҳам яққол кўзга ташла-

ниб туради. Зеро, маънавияти юксак шахс буюк ишларга қодир, миллий ўзликни йўқотмаган инсон миллат келажаги учун фидойи бўлади. Маънавияти юксак бўлмаган шахс, у тадбиркор бўладими, деҳқон, зиёлими, давлат хизматчиси бўладими, улугвор ишларга, юксак мақсадларга, халқ ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга тўқис қодир бўла олмайдими. Аммо бошқа сиёсий партиялар маънавиятининг ана шундай буюк қудратга эга эканлигини бироз унутган кўринади. Чунки ҳар учта партиянинг сайловолди Плат-

формасида маънавият масалаларига кенг ўрин ажратилмаган. Аслида миллат келажаги, миллий ўзликни англаш туйғуси барча сиёсий партиянинг дастуриламали бўлмоғи лозим. Тўғри, улар таълим ёки бошқа соҳа ва йўналишлар замирида маънавият асослари бор-ку, деб ўзларини оқламайди бўладилар. Лекин бу асосли эмас. Чунки маънавият айниқса, биз учун алоҳида тушунча, улкан қадрият.

Мамлакатимиздаги муҳим сиёсий воқеа — сайловга санокчи кунлар қолди. Унинг юксак демократик тамойиллар асосида ўтишига барча асослар мавжуд, шароитлар муҳайё. Сиёсий-ҳуқуқий маданият юксак, партиялар ва уларнинг номзодлари илгари сураётган гоғ

Биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бормоқдамиз. Аёнки, бу борада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш асосий ўрин тутади. Даромадларни адолатли тақсимлаш, аҳоли даромадларида табақаланиш юзга келишининг олдини олиш ҳақида "бонг урадиган" "Адолат" СДПнинг сайловолди Платформасида мазкур масала аниқ очиб берилмаган, механизмлари кўрсатилмаган. Бу эса, ўз-ўзидан, сайловчилар учун мавҳум бўлиб қолмоқда.

формасида маънавият масалаларига кенг ўрин ажратилмаган. Аслида миллат келажаги, миллий ўзликни англаш туйғуси барча сиёсий партиянинг дастуриламали бўлмоғи лозим. Тўғри, улар таълим ёки бошқа соҳа ва йўналишлар замирида маънавият асослари бор-ку, деб ўзларини оқламайди бўладилар. Лекин бу асосли эмас. Чунки маънавият айниқса, биз учун алоҳида тушунча, улкан қадрият.

Мамлакатимиздаги муҳим сиёсий воқеа — сайловга санокчи кунлар қолди. Унинг юксак демократик тамойиллар асосида ўтишига барча асослар мавжуд, шароитлар муҳайё. Сиёсий-ҳуқуқий маданият юксак, партиялар ва уларнинг номзодлари илгари сураётган гоғ



Партия тўлов-контракт асосида олий таълимга эга бўлиш имкониятларини кенгайтириш, таълим жараёнига замонавий истиқболли илм-фан ютуқларини жорий этиш, мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, илмий фаолиятга истеъдодли, қобилиятли ёшларни жалб этиш орқали юқори билим-малакали жамиятнинг шакллантиришга кўмаклашишни ўзининг устувор мақсади деб билади.

Репортаж

Ҳар жиҳатдан тайёрмиз

сайлов ташкилотчилари ҳам, иштирокчилари ҳам бугун ана шундай хулосани билдирмоқдалар

Сайлов — халқ хоҳиш-иродаси, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлайдиган муҳим жараён. Унинг қай даражада ташкил этилиши ва ўтказилиши мамлакатда демократик тамойилларнинг устуворлиги ҳамда фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва онги даражасини намоён этади. Шу боис, ҳар бир ривожланган демократик давлатда сайлов жараёнига алоҳида эътибор билан қаралади.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган илмий ислохотлар самарасида юксак демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга тўла мос миллий сайлов тизими яратилди. Айниқса, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида ўтган давр мобайнида 27 та қонун, ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Бу борада сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида амалга оширилган қонунчилик ташаббусларини алоҳи-

да эътироф этиш жоиз. Боиси миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сайлов жараёнини янада демократик тарзда, очиқ-ошқора ва адолатли ўтказишда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, Асосий қонунимизнинг 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясини демократик асосда шакллантириш тизими, шунингдек, унинг асосий фаолият принциплари конституциявий жиҳатдан мустаҳкамланди, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларни ташкил этиш учун маъсул бўлган сайлов органларининг бутун тизими мустақиллигининг кафолатлари кучайтирилди.

Бу борада Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида тўхталиб ўтди: "Ишончим комил, сайлов қонунчилигига киритилган, сайлаш эркинлиги ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш борасидаги конституциявий тамойилни амалга оширишга қаратилган ана шундай ва бошқа қатор ўзгариш ва қўшимчалар шу йил 21 декабрь куни Олий Мажлисга ҳамда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган депутатлар сайловини Конституциямиз ва сайлов қонунчилиги ва ўз-ўзини равшанки, халқаро демократик қонунчилик талаб-

ларига тўла мос тарзда ўтказиш имконини беради. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак."

Дарҳақиқат, бу йилги сайлов демократик принциплар асосида тақомиллаштирилган, янада мукамал сайлов қонунчилигига таяниб ўтказилди. Бундан ташқари кечаги сайловчи билан бугунги сайловчининг онги, тафаккури, сиёсий қарашлари ўртасида жуда катта фарқ бор. Энг муҳими, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксак. Сиёсий партияларнинг бир-биридан фарқи, уларнинг мақсад-вазифалари, ижтимоий қатлами ҳақида етарли маълумотларга эга. Шундай экан, бугунги сайловчи сайловда эркин иштирок этиш, сайлов кунини онгли равишда овоз бериш учун мамлакатимизда барча зарур шарт-шароитлар яратилганини яхши англайди.

Мамлакатимизда бўлиб ўтадиган ана шу муҳим сиёсий жараёнга бугун тўрт кун қолди. Таъкидлаш жоизки, сайлов кампанияси даврида сайловга қизгин тайёргарлик кўрилди. Марказий сайлов комиссияси, сиёсий партиялар ва бошқа қатор ўзгариш ва қўшимчалар шу йил 21 декабрь куни Олий Мажлисга ҳамда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган депутатлар сайловини Конституциямиз ва сайлов қонунчилиги ва ўз-ўзини равшанки, халқаро демократик қонунчилик талаб-

Низомиддин НУРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот котиби:



— Мамлакатимизда бўлиб ўтадиган сайлов айна пайтда жаҳон ҳамжамияти эътиборида. Зеро, сайлов жараёнида ҳар бир мамлакатда демократиянинг қай даражада устувор эканлигини, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини намоён этувчи муҳим жараён. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз фаолияти билан сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга кўмаклашишга, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга ҳизмат қилади. Конституциямизнинг 117-моддасига киритилган сўнги ўзгаришларга биноан, Марказий сайлов комиссиясининг асосий фаолият принциплари конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлангани бу йилги сайлов жараёнида ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси даврида ўз ваколатлари доирасидаги барча вазифаларини амалга оширди. Сиёсий партиялар ва номзодларга сайловолди ташвиқоти даврида тенг ва кенг имкониятлар яратилди, бу сиёсий курашнинг адолатли, соғлом рақобат муҳити асосида ўтишида муҳим ўрин тутди. Марказий

сайлов комиссияси томонидан жойларда турли семинар ва учрашувлар ташкил этилиб, сайлов қонунчилиги, унга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти тарғиб этилди.

Бу йилги сайловда йигирма миллиондан зиёд сайловчи иштирок этиши кутилмоқда. Аҳолининг 60 фоиздан кўпини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Шундан 2,5 миллион нафардан ортиқ сайловчи биринчи марта сайловда иштирок этади-дегунда. Уларнинг сайлов ҳақидаги билимларини ошириш, сайловнинг аҳамияти ва мазмун-моҳиятини ёшларга кенг тушунтириш мақсадида ҳам қатор сайё-ҳаракатлар амалга оширилди. Биринчи мисол сифатида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда мамлакатимиздаги қарийб барча таълим муассасаларида "Ватан келажиги сенинг қўлингда!" шиори остида "Ёшлар ва сайлов — 2014" лойиҳаси амалга оширилганини алоҳида эътироф этиш мумкин.

Жорий йилги сайловни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида 9035 та, шу жумладан, чет элдан ваколатхоналаримиз қошида 44 та сайлов участкаси тўзилди. Уларга 90 мингдан ортиқ киши жалб этилди. Қорақал-

погистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ҳудудий семинар-тренинглар ташкил этилиб, сайлов жараёнига тайёрланди. Уларга тегишли ҳуқуқий адабиётлар, қўлланмалар етказиб берилди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов кунини овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга. Уларнинг ваколатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган намунадаги мандатлар билан тасдиқланди.

Мамлакатимиздаги сайлов жараёнини кузатиш учун Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, МДХ Ихроия Қўмитаси, Ислам ҳамкорлик ташкилоти ва Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциациясидан халқаро кузатувчилар ташриф буюрмоқда. Шунингдек, Осиё, Европа, Африка ва Америка қитъасидан 40 га яқин мамлакат вакиллари кузатувчи сифатида қатнашмоқда.

Дониёр ТОШБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот котиби:



Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда 21 декабрь кунини бўлиб ўтадиган сайлов жараёнига барча шарт-шароит ва имкониятлар муҳайё қилинган. Энг муҳими, фуқароларимиздан бу долзарб сиёсий жараёнда фаол иштирок этиб, сайловни уюшқоқлик билан ўтказиш талаб этилади.

Сайловда иштирок этиши учун тақлифнома тарқатиб бўлинди. Сайловчиларнинг 5 нафари сайловда биринчи марта иштирок этади. Шу боис уларга овоз бериш жараёнига тушунтирилди. Шунингдек, овоз берадиган кунини сайлов участкасига келолмайдиган сайловчиларнинг уйига бориш учун комиссия аъзолари белгилашиб, транспорт ажратилди, кўча кути билан таъминланди. Умуман, сайлов участкамиз сайлов кунига шай ҳолатга келтирилди.



Дилноза АБДУГОДИРОВА,
Тошкент шаҳридаги 532-сайлов участка комиссияси котиби:

— 21 декабрь — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга санокли кунлар қолди. Ўтган вақт мобайнида ушбу жараённи муносиб тарзда ўтказишга қизгин тайёргарлик кўрилди. Жумладан, бизнинг сайлов участкасида ҳам фуқароларимизнинг сайловда муносиб иштирок этишларини таъминлаш учун барча кулайликлар муҳайё қилинди. Сайловни ўтказишга доир зарур жиҳозлар — мебель, компьютер, нусха кўчи-


риш аппарати, телефон, факс ва бошқа техника воситалари, сайлов жараёнига оид ҳуқуқий адабиётлар билан тўлиқ таъминланди. Депутатликка номзодлар ҳақидаги маълумотлар ва уларнинг ташвиқот материаллари деворий бурчакка илинган. Овоз бериш кабинетлари, кутубхона тайёрлаб қўйилди. Бундан ташқари, сайлов участкасида тегишли намунадаги мандатлар билан тасдиқланди.

Дониёр ТОШБОЕВ,
ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ихроия Қўмитаси деовни бўлим бошлиғи:

Сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партиялар учун яратилган барча имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. Жумладан, телерадиоканалларда ажратилган 5, 15 ва 45 минутлик эфир вақтлари ва реклама роликлари, марказда "Халқ сўзи", "Народное слово", "Правда Востока" газеталари, ҳудудларда эса вилоят ва туман нашрларида "Миллий тикланиш" демократик партияси ва унинг ғоя-мақсадлари кенг тарғиб этилди. Бундан ташқари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида партия шiorлари акс этган, номзодларимизга овоз беришга чақирувчи баннерлар илинди. Электрон оммавий ахборот воситаларида ҳам партияимизни тарғиб этувчи 4 та сайловолди ролиги берилмоқда.

Бу йилги сайловда Ўзбекистон "Мил-

лий тикланиш" демократик партияси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 134, халқ депутатлари вилоят Кенгашига 788, туман ва шаҳар Кенгашларига эса 5 минг 345 номзод кўрсатилган. ЎзМТДП номзодлари сайловолди ташвиқоти даврида партия ҳамда ўз сайловолди дастурларини кенг тарғиб қилишмоқда. Жойларда сайловчилар билан учрашиб, юзма-юз мулоқотда бўлишмоқда. Барча номзодларимиз томонидан бир кунда 50 га яқин ана шундай учрашувлар ташкил этилди. Бундан ташқари партия номзодларини тарғиб-ташвиқ этишга қаратилган турли кўргазмалар қуроллар тайёрланиб, барча сайлов участкаларига етказиб берилди. Партияимиздан сайлов кунини иштирок этадиган 8764 нафар кузатувчи ва ваколатли ва-



кил тайинланди. Бир сўз билан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси 21 декабрь кунини бўлиб ўтадиган сайлов жараёнига ҳар томонлама тайёр, дейиш мумкин.

беради. Семинар ва учрашувларда билдирилган фикр-мулоҳазалардан шундай хулосага келдимки, ҳар бир овоз келажимиз, эртанги кунимиз қандай бўлишида алоҳида ўрин тутди. Шундай экан, сай-

ловда иштирок этадиган тенгдошларимиз сайлов жараёнига бефарқ бўлмасликка, муносиб, ҳар томонлама салоҳиятли ва халқ учун фидойи бўлган номзодга овоз беришга чақираман.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимиз муҳим сиёсий жараён олдига турибди. Сайловнинг уюшқоқлик билан, демократик принциплар асосида ўтиши юртимизнинг келажиги, эртанги кунини янада фаровон бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, мамлакатимизнинг дунё майдонидаги, демократик давлатлар каторидаги ўрни янада мустаҳкамланади. Бугун сайловнинг ана шундай кўтаринкилик ва демократик тамойиллар асосида ўтиши учун ҳам ташкилий, ҳам ҳуқуқий шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд. Сайловчиларнинг эркин овоз бериши сайловнинг очиқлик, тенглик ва адолат тамойиллари асосида ўтишига ҳизмат қилади. Зеро, сайлов халқ хоҳиш-иродасининг эркин намунаси.

М.КОМАЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири



Гавхарой ЭРКАЕВА,
Беширик туманидан, 21 ёш, талаба:

қаруви жараёнида бевосита иштирок этиши учун қўлай имконият ва воситадир. Сайловда бу йил биринчи марта иштирок этаман. Шу боис ҳам сайлов кунини яқинлашган сари ҳаяжоним ортиб бормоқда. Фарғона вилояти Беширик туманидаги 935-сайлов участкасидан рўйхатга олиндим. Сайлов бўйича ташкил этилган семинарларда, шунингдек, депутатликка номзодлар билан учрашувларда қатнашиб, сиёсий-ҳуқуқий билимларимни оширдим, сайловга оид қонунлар, номзодлар тўғрисида маълумотлар билан танидим. Бу эса сайловда ўз фуқаролик позициямизни эркин намоён этишга, энг муносиб номзодга овоз беришимга ёрдам

қилади. Сайлов фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш, демократик ҳуқуқий жамият қуриш ва давлат бош-

Сарҳисоб

Маданият, санъат ва спорт

соҳасидаги ютуқ ва вазифалар таҳлил қилинди

Мамлакатимизда маданият, маърифат ва санъат соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пойтахтимиз ҳамда юртимизнинг барча ҳудудларида муҳташам санъат қозоналари, музейлар, маданий муассасалар қад ростлаб, энг замонавий воситалар билан жиҳозланди. Буларнинг бари халқ фаровонлиги, юрт равнақи, миллий маданият ва санъат ривожини йўлида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик самарасидир. Буни биргина шу йилнинг ўзида соҳада амалга оширилган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган "Маданият ва спорт: ташаббус ва таҳлил" мавзусидаги матбуот анжуманида таъкидланганидек, юртимизда навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, уларни ҳеч қандай кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказиш, миллий маданият ва санъатимизни, спортни раванқ топтириш, истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, "Соғлом бола йили" да вазирлик тўғрисида Ўзбекистон Бадийи Жамоалари ижодий бирлашмаси, Ўзбекистон Миллий симфоник камер ва халқ чолғулари оркестрлари бирлашмаси, Фарғона Театр-концерт саройи, Ёшлар маданият ва санъат маркази, Шахмат бўйича республика ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Гулистон олимпия захиралари коллежи, Миллий спорт турларини ривожлантириш республика маркази, Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази каби янги субъектлар ташкил этилди.

Жорий йилда вазирлик ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилган "Ёшлар баҳори" ёш опера ижрочилари республика илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази каби янги субъектлар ташкил этилди.

— Аҳолининг маданий-маърифий дам олиши, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини самарали ва мазмунли ўтказишни ташкил этиш борасида кенг қўллаб-қувватлаш зарур. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази каби янги субъектлар ташкил этилди.

— Аҳолининг маданий-маърифий дам олиши, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини самарали ва мазмунли ўтказишни ташкил этиш борасида кенг қўллаб-қувватлаш зарур. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази каби янги субъектлар ташкил этилди.

— Аҳолининг маданий-маърифий дам олиши, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини самарали ва мазмунли ўтказишни ташкил этиш борасида кенг қўллаб-қувватлаш зарур. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази каби янги субъектлар ташкил этилди.

Жорий йилда вазирлик ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилган "Ёшлар баҳори" ёш опера ижрочилари республика илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази каби янги субъектлар ташкил этилди.

Жорий йилда вазирлик ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилган "Ёшлар баҳори" ёш опера ижрочилари республика илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази каби янги субъектлар ташкил этилди.

Жорий йилда вазирлик ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилган "Ёшлар баҳори" ёш опера ижрочилари республика илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази каби янги субъектлар ташкил этилди.

М.КОМАЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири



Партия миллий манфаатларни қатъий ҳимоя қилиш, Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини кенг миқёсда тарғиб этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имиджини мустаҳкамлаш каби тамойиллар асосида фаол ташқи сиёсат олиб борилишининг тарафдори.

© **Бизнинг шарҳ**

Парламент тарихи асрлар билан ўлчанади

замонлар ўзгариши билан парламентларнинг роли ҳам ривожланиб, унинг моҳияти янги гоё ва тамойиллар, фаолият кўрсатиш тажрибаси билан бойиб бормоқда



Мамлакат ривожланиши, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда ислохотларнинг изчиллигини таъминлашда парламентлар фаолияти муҳим ўрни тутади. Дунё давлатларида парламентлар асосан қонун ижодкорлиги билан шугулланади, яъни жамият учун зарур, халқ фаровонлиги, мамлакат тараққиёти учун хизмат қиладиган қонунлар ишлаб чиқади, унинг мустаҳкамлигини таъминлайди.

Маълумотларга кўра, қатор хорижий мамлакатларнинг Конституцияларида парламент алоҳида номлар билан юритилган. Россияда икки палатали парламент Федерал йиғин — қуйи палата Давлат Думаси, юқори палата Федерация Кенгаши деб аталади. АҚШда ҳам икки палатали парламент бўлиб, Конгресс деб юритилади. Бу мамлакатда юқори палата Сенат, қуйи палата эса Вакиллар палатаси деб номланган.

Парламент Швецияда Риксдаг, Финляндияда Эдускунта, Германияда Бундестаг, Исроилда Кнессет, Болгарияда Халқ йиғини, Литва, Польша ва Латвияда Сейм, Швейцарияда Федерал йиғин, Японияда Коккай (Маслаҳат Палатаси ва Вакиллар Палатаси), Хорватияда Сабор дейилади. Парламент мамлакатнинг барча минтақалари ва вакиллари бўлиш депутатлардан ташкил топгани боис вакиллик органи

қабул қилинган. Қадимий манбаларда Марказий Осиёда мавжуд бўлган халқ вакиллари йиғини, Оқсоқоллар йиғини, Қурултойлар ҳақида маълумот берилган.

Маълумотларга кўра, энг қадимги парламент асосан мамлакатнинг барча фуқаролари бажариши мажбур бўлган қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан шугулланади. Айрим ҳолларда эса ижроия ҳокимиятни шакллантириш ваколатларига ҳам эга бўлади. Жумладан, парламент ҳуқуқатга ишонч ёки ишонсизлик билдириши мумкин.

Баъзи мамлакатларда парламент ташкил этилмаган. Мутлоқ монархия бўлиши Саудия Арабистонида 2005 йилда маҳаллий сайловлар ўтказилди. Бу, ўз навбатида, подшоликда парламентаризм кўришилари пайдо бўлганидан далолат беради. Ёки бўлмаса, Уммонда 1998 йилги маслаҳат органи бўлиши махсус Кенгаши ташкил этилди. Бу органининг Спикери Султон томонидан тайинланади. Кенгашидаги 82 нафар депутат Султонга мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, экологик тараққиёт борасида маслаҳатлар беради. Мутлоқ монархия бўлиши Қатар амираи Маслаҳат кенгашининг 45 нафар аъзосини ўзи тайинлайди.

Парламент тарихи асрлар билан ўлчанади. Замонлар ўзгариши билан парламентларнинг роли ҳам изчил ўзгариб, унинг моҳияти янги гоёлар, тамойиллар асосида бойиб боради. Парламентаризм тараққиётининг бош тенденцияси шундан иборатки, парламентлар ижтимоий турмушда марказий ўрин тутади. Табиийки, ҳар бир давлат парламентининг тузилиши ва фаолият кўрсатиш механизмининг ўзига хос ва мос йўللари билан ҳал этади. Қадимда минтақамизда жамоа оқсоқоллари иштирокида турли масалалар муҳокама қилиниб, муҳим қарорлар қабул қилинган.

Демократик мевёрларга кўра, парламент аъзолари халқ томонидан сайланиши керак. Зеро, сайловлар халқ хоҳиш-иродасини ифодалайди. Сайловчилар, ўз навбатида, сиёсий партиялар орқали ўз номзодига овоз беради. Маълумки, энг кўп овоз олган партия ҳуқуқатни шакллантиради. Айрим ҳолларда коалиция ҳуқуқати ҳам тузилади. Сайловлар пропорционал (партияларга овоз берилади) ва мажоритар (депутатлар сайлов округларида сайланади) тизим асосида ўтказилади. Деярли барча мамлакатларда парламент сайловлари ҳар 4-5 йилда бир марта ўтказилади.

Учинчи гуруҳга парламент ва президент

бошқарувидаги мамлакатлар киради. Бу давлатларда парламент ҳуқуқатга ишонсизлик билдириши, президент эса парламентни тарқатиб юбориши мумкин. Сўнгги тўртинчи гуруҳга тахлилчилар Кувейт, Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирликларини киритишади. Бунда парламент асосан Маслаҳат органи сифатида фаолият кўрсатади. Мутлоқ монархия мамлакатларида парламентлар ҳам ҳуқуқдор томонидан тарқатиб юборилади ва қайта тикланади. Айрим ҳолларда фуқаролар томонидан сайланади. Тўртинчи гуруҳга Корея халқ демократик республикаси, Куба, Хитой, Вьетнам парламентларини ҳам киритиш мумкин. Мазкур мамлакатларда асосий қонунлар парламент томонидан қабул қилинмайди, балки тасдиқланади, деган қарашлар мавжуд. Бундай парламентлар профессионал бўлмай, депутатлар йилда бир марта тўғланиб, ў еки бу қонунлар юзасидан овоз беришади.

Мамлакатимиз Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Олий Мажлис икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ваколат мuddати беш йил.

Икки палатали парламент ташкил этилган, Қонун чиқарувчи ҳокимияти фаолияти янги босқичга кўтарилди. Энг асосийси, қабул қилинган қонунларнинг сифати янада ошди. Шунингдек, жамият тараққиётига хизмат қиладиган ҳужжатларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг роли янада кучайди. Қонун лойиҳаларини фракцияларда кўриб чиқиш, уни ялпи мажлисларда муҳокама қилишда депутатларнинг фикрларини эшитиш амалиёти шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланган бир юз эллик депутатдан иборат. Олий Мажлис Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзолари (сенаторлардан) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин-овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Сайлов кўни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин.

Шарофиддин Тўлаганов,
"Сиёсат" ахборот-таҳлилий
маркази эксперти

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Японияда парранда гриппи

Миадзаки вилоятида парранда гриппи тарқалиши оқибатида 4 мингдан ортиқ жонивор йўқ қилинган.


Вирус Набиоки шаҳридаги паррандачилик фабрикасида аниқланган. Сўнгги кунларда бу ерда 30 дан ортиқ парранда ҳалок бўлган, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Текширувлар натижасида уларнинг айнан парранда гриппи оқибатида ҳалок бўлгани тасдиқланган. Мазкур фабрикадан 3 километр радиусда карантин ҳолати жорий қилиниб, ҳудуддан ташқарига маҳсулот олиб чиқиш ҳам таъқиқланган. Бу Японияда йил бошидан буён қайд этилган иккинчи ҳолатдир. Шу йилнинг апрель ойида Кумамото вилоятида парранда гриппи оқибатида 110 мингта товук йўқ қилинганди.



Иқтисодда ўсиш кузатилади

2015 йилда Германия иқтисодиёти 1,5 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Иқтисодий тадқиқотлар бўйича IFO институти экспертлари тарқатган маълумотларга қараганда, 2015 йилда Германияда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,5 фоизга ошади. Бундан ташқари, мамлакатда истеъмол талабининг ошиши келгусида иқтисодий ўсиш суръатларининг 1,7 фоизга етишини таъминлайди. Прогнозларга кўра, шу йил охиригача Германияда истеъмол бозори 1,1 фоизга ўсиш тенденциясига эга бўлади. Шу билан бирга, IFOнинг маълум қилишича, 2015 йилда мамлакатда ишсизлик даражаси бироз пасайиб, 6,6 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда.



"100 да юрма, юзга кир"

Бразилиянинг шимоли-шарқий Пиануи штатида рўй берган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 7 киши ҳалок бўлган.

Хабарларга кўра, транспорт воситаларини қувиб ўтаётган шаҳарлараро катновчи автобус ёғилги моддалари ташувчи автоцистернага бориб урилган. Қучли ёнгин натижасида ҳар икки машина ёниб кетган. Полиция маълумотларига қараганда, воқеа жойидан етти кишининг жасади топилган. 3 киши оғир аҳволда шифохонага ётқизилган. Мутахассислар қурбонлар сони яна ортиши мумкинлигини айтишган.



Аҳоли кўчирилди

Малайзия шимоли-шарқидagi қучли сув тошқинлари оқибатида 1,5 минг киши эвакуация қилинди.

Хабарларга қараганда, кўп миқдордаги ёнғингарчилик Тренгану штатида сув тошқинларини келтириб чиқариб, аҳоли вақтинчалик турар-жойларга кўчирилган. Расмий маълумотларга кўра, ҳозирча қурбонлар ва қучли вайронгарчиликлар аниқланмаган. Тренгану штатини уч томондан Жанубий-Хитой денгизи ювиб туради. Шу сабабли қучли ёнғинлар кўп ҳолларда сув тошқинларини келтириб чиқаради.



Пешоварда нохуш воқеа

Террорчилар томонидан Покистондаги мактаблардан бирига ҳужум уюштирилган.

Хабарларга кўра, Пешоварда жойлашган ҳарбий мактабда амалга оширилган ҳужум оқибатида 100 нафардан ортиқ одам ҳалок бўлган, уларнинг аксари мактаб ўқувчиларидан иборат. Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, 6 нафар террорчи мактабга кириб ўт оingan. Маълумотларга қараганда, таълим муассасасида тахсил олаётган аксарият ўқувчилар мамлакат хавфсизлик қучлари томонидан қўқариб олинган.



Интернет маълумотлари асосида Миржаҳон ЮСУПОВ тайёрлади.

Эълон

"TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO" МЧЖ ахбороти

"O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KO'ZI OJIZLAR BOSMAHONASI" ДҚнинг 2014 йил 28 ноябрдаги 143-сонли хатига асосан д/р 01/380QCA бўлган «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси аукцион савдоларида олинганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

"АСАКА" банк жамоаси

яқинлашиб келаётган Янги йил байрами муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги мuddатли янги омонат турини таклиф этади:

"Янги йил 2015"

Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталардаги қулай шартларда 90 дан ортиқ омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-91-45
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-24-09
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-75
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-70-05
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Анджон вилоят филиали	374	298-02-10	Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-15-68	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-56
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	226-96-03
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-06	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

"АСАКА" банк - сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган

Реклама ўрнида



Иқтисодий тармоқларни модернизация қилиш ва тубдан янгилаш бўйича белгиланган устувор вазибаларнинг ижроси бевосита жалб қилинган инвестициялар ҳажмига боғлиқ. Бироқ сармоя ўз-ўзидан келавермайди. У барқарор ривожланаётган, инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатланган манзилларгагина йўналтирилади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда муҳайё қилинган бўлиб, у мустақиллик йилларида қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш мақсадида изчил амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир.



Таъкидлаш жоизки, республикамизда инвестициялар оқими йил сайин кенгайиб бораётган. Жалб қилинган маблағлардан унумли фойдаланган ҳолда, асосан, замонавий корхоналар барпо этиш, инфратузилма объектлари бунёд қилиш, намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуриш каби аниқ мақсадларга ишлатилаётган. Бунинг самараси, энг аввало, жаҳон бозорига рақобатбардор бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштиришлари, шахар ва қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгариб, аҳоли фаровонлиги ва турмуш сифати ошиб бораётганида намоён бўлмоқда.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, юртимизда ҳорижий инвесторлар, айниқса, юқори технология ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўғриван тўғри инвестиция йўналтириётганлар учун қулай шарт-шароит яратиб бериш йўлидаги ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғриван тўғри ҳорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бунда муҳим дастуриямал бўлмоқда. Бунга Фарғона шаҳридаги автомобилларга дисклар ишлаб чиқариш ва етказиб берувчи "Евроосиё ТАПО-Диск" Ўзбекистон - Англия - Швейцария қўшма корхонаси фаолияти мисол бўла олади.

1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Фарғона шаҳрида энгил автомобилларга дисклар ишлаб чиқаришга мўлжалланган цех лойиҳасига қўл урилди. Фарғона механика заводи ҳудудида 1997 йилнинг февраль ойидан бошлаб қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди. Корхона раҳбарияти ҳар томонлама билимли, интилувчан, ўз касбига садоқатли ёшлар ўртасида сўхбат ўтказиб, уларнинг энг муносиблари қурилиш-монтаж ишларида жалб қилинди. Улар қурилиш-монтаж ишларини чет эллик мутахассислар билан биргаликда, ёнма-ён туриб бажаришди. Аста-секин диск ишлаб чиқариш сир-асрорларини ўзлаштириб боришди. Аксарият ёшлар Германия, Нидерландия ҳамда Франция давлатларида бўлиб, билим ва малакасини ошириб кайтиди. Бу орада корхонага "Фонтейн" (Нидерландия), "Айзенманн" (Германия), "Эмануэль", "Манзони" (Италия) каби фирмалардан замонавий технологиялар, асбоб-ускуналар келтирилди. Бунинг натижаси ўларок, қисқа вақт ичида автомобилларга йилига 1 000 000 донна диск ишлаб чиқаришга мўлжалланган цех барпо этилди. 1998 йилнинг 31 августидан корхона ўзининг илк маҳсулотини ишлаб чиқарди. Илк намуналар Корея Республикасига синов учун жўнатилди. "Даewoo" корпорация-

Кулай инвестициявий муҳит

иқтисодиётимиз қудратини юксалтирувчи муҳим омил




си мутахассислари дискларни юқори баҳолади. Шундан сўнг, цех бурторма асосида "Nexia", "Damas" ва "Тико" автомобиллари учун мўлжалланган дискларни Асака шаҳрида фаолият юритаётган "ЎзДЭУавто" корхонасига жўната бошлади.

1998 йил 19 октябрь кунин Президентимиз Ислам Каримов Фарғона вилоятига ташрифи доирасида мазкур диск ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишди. Корхона раҳбарияти, ишчилар билан сўхбатлашиб, ўзининг қимматли маслаҳатларини берди. Корхонанинг келажакда ривожланган, юксак маъво ва даражага эришишига ишонч билдирди. Айтиш жоизки, бугунги кунда Юртбошимизнинг ишончи тўла оқланди. 1999 йил 10 сентябрда "ЎзДЭУавто" томонидан ўтказилган текширишда корхона 90,5 балл тўплаб, энг ишончли ҳамкор сифатида эътироф этилди. 2000 йил сентябрь ойидан бошлаб эса корхонамизда янги турдаги ВАЗ автомобилларига диск ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Биринчи тайёрланган дисклар Россия бозорига жўнатилди ва юксак баҳоланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг чет эл инвестицияларини мамлакатимиз ҳудудида жалб қилишга қаратилган қарорини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида, 2001 йил 17 апрелдан диск ишлаб чиқариш цехи ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти "ЕвроосиёТАПО-Диск" Ўзбекистон-Англия-Швейцария қўшма корхонасига айлантирилди. Айни пайтда корхонада ишлаб чиқарилаётган дискларнинг 30-35 фоизи Россия бозорларига экспорт қилинмоқда.

Қўшма корхонада айни пайтда 400 киши меҳнат қилмоқда. Ҳар бир сменага ишчилар танлов асосида қабул қилинади. Ҳужжатлари қабул қилинган ишчиларга мутахассислар томонидан диск ишлаб чиқариш жараёни бўйича сабоқ берилди. Ўқув ниҳосида улар имтиҳон асосида ишга қабул қилинади. Шунинг учун ишчи-хизматчиларимиз ички тартиб-қоидаларга, меҳнат интизомига қатъий риоя қилади. Маҳаллий ёш кадрларимиз ҳорижий давлатлар, жумладан, Германия, Италия, Голландияда малака ошириб, тажриба алмашиб келишади. 13 йил мобайнида юқори технология жараёнлар ҳорижлик мутахассислар кўмагисиз бажарилапти. Мураккаб конструкторлик чизмаларини ёш кадрларимизнинг ўзи замонавий компьютерлар ёрдамида лойиҳалаштириб, ишлаб чиқаришга татбиқ этмоқда.

Қисқа вақт ичида "Евроосиё ТАПО-Диск" қўшма корхонаси салмоқли натижаларга эришди, десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Корхоналарда сифат тизимини халқаро стандартларга мувофиқ жорий этиш чора-тадбирлари" тўғрисидаги қарорига асосан, корхонада "Метрология ва стандартлаштириш" бўлими очилди. "TUV-CERT" Англия халқаро сертификатлаштириш органи томонидан 2004 йил 26 июш кунин корхонага сифат менежмен-



ти тизими бўйича, ISO-9001 сертификати берилди. Корхонамизнинг муваффақиятларидан бири синов лабораториясининг ташкил қилинган бўлди. Ишлаб чиқарилаётган автомобиль дисклари шу ернинг ўзида синовдан ўтказила бошланди. Синов лабораторияси миллий тизим талабларига тўлиқ жавоб бергани боис 2002 йилнинг 15 апрелида унга давлат стандарт томонидан NNS.UZ.07.NSO 336 сонли аккредитация аттестати берилди.

2001 йили корхонада 8 турдаги автомобилларга 13-14 дюймлик дисклар ишлаб чиқарилган бўлса, қисқа муддат ичида 4 турдан 80 тургача бўлган турли автомобиллар учун дисклар ишлаб чиқарилди. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллардан ташқари Форд, Опель, Хондай, Жигули, Нива, Шеви-Нива, БМВ, Ауди, Волга, Мерседес-Бенц, Мазда, Рено, Пежо, Тойота, Ниссан ва бошқа автомобиллар шулар жумласидандир. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳақида Россиянинг "За рулём", "Автомир" журналларида аъло сифатли маҳсулот сифатида мақолалар чоп этилди. Дарҳақиқат, Россия бозорига ўтказилган синовда 5 давлат ичида бизнинг миллий маҳсулотимиз дизайни, чидамлилиги билан биринчи ўринни эгаллади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган барча турдаги дисклар Россия Федерациясининг мувофиқлик сертификатини олишга муваффақ бўлган. Шу боис мутасаддилар маҳсулот сифатини бундан ҳам яхшилаш, иш ҳажминини ошириш борасида тинмай изланмоқда. Қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятига қайтайдиган бўлса, автомобиль дискларининг асосий хомашёси, бу олий сифатли металл бўлиб, Россиянинг "Северсталь" ва Словакия Республикаси фирмалари томонидан келтирилади. Дискларга кетадиган химикатлар авваллари валютаси хисобига чет давлатдан келтирилган эди. Корхонамиз мутахассислари "ЎзДОНГ-ЖУ" кимё мутахассислари билан четдан келтирилаётган химикат ва лакларни маҳаллийлаштириш мақсадида, биргаликда изланишлар олиб бордилар. Бу изланишлар кўп ўтмай самара берди. Ҳозирги кунда 21 хил турдаги химикат ва лаклар локализациялаштирилиб, пироваддада 90 физ химикатлар ўзимизда фаолият кўрсатаётган Андижондаги "ЎзДОНГ-ЖУ" корхонасига тайёрланмоқда. Бундан ташқари, корхонамизда маркетинг хизмати ҳам янги йўлга қўйилган. Унинг асосий вазибаси шундаки,

ишлаб чиқараётган маҳсулотимизни дунё бозорига олиб чиқиш, дунё миқёсида рақобатлашишдан иборатдир.

Қўшма корхонада 550 миллион сўмлик қоллилар тайёрлаш цехи қурилиши якунига етди. Бу цехга станоклар, асбоб-ускуналар сотиб олинди, тайёр ҳолга келтирилди. Цехнинг ишга тушиши билан ёш йигит-қизларимиз учун янги иш ўрнилари ташкил қилинди ва қоллилаш технологиялари ассортименти янада кенгайди. Корхонанинг ҳар бир хизмат бўлими замонавий асбоб-ускуна ва компьютерлар билан жиҳозланди.

Корхона ишлаб чиқаришдан қўрилган фойда ва тежалган маблағларнинг асосий қисмини ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини яхшилаш мақсадида сарфлаяпти. Бу борада Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўлимининг хизмати алоҳида таъкидлаш жоиз. Ишчи-мутахассисларимиз махсус кийим-бош билан таъминланган. Меҳнат таътилига қўшимча равишда 4 кун қўшиб берилди. Кундуз кунин ишлайдиган ишчи-хизматчиларимизнинг келиб-кейтиши учун корхона томонидан алоҳида транспорт ажратилган. Ошхона, хизмат ва ювиниш хоналари, тиббиёт бўлими ишлаб чиқарилади. Бу борада корхона касабаси уюшмаси кўмитасининг хиссаси катта бўлмоқда. Ишчи-хизматчилари учун турли тадбирлар, спорт уйинлари, байрам тантаналари мунтазам ўтказилади. Ишчиларнинг моддий рағбатлантириш, уларни сихаттоҳларга жўнатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Уларнинг фарзандларига ёзги таътил кунлари болалар оромгоҳларига имтиёзли йўлланмалар берилди. Ёрдамга муҳтож оилалар моддий томондан қўллаб-қувватланади. Буларнинг барчаси маъмурият ва касабаси уюшмаси кўмитасининг асосий иш мезонига айланган.

Мухтасар айтганда, "ЕвроосиёТАПО-Диск" Ўзбекистон-Англия-Швейцария қўшма корхонаси маҳсулотлари бугунги кунда дунё бозорига ўз маъвои ва ўрнига эга бўлди. Корхона мавжуд ютуқлар билан чегараланиб қолмай, ёш мутахассислар тажрибаларига таяниб, маҳсулотнинг янги моделларини ишлаб чиқармоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бу каби истиқболли лойиҳалар ҳудудларда минглаб янги иш ўринлари яратиш, маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, иқтисодиётимиз қудратини юксалтирувчи омил сифатида хизмат қилмоқда.

Бахтиёр БОЗОРОВ,
"Евроосиё ТАПО-Диск"
Ўзбекистон-Англия-Швейцария
қўшма корхонаси директори,
92-Йилан сайлов округидан
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутатлигига номзод




ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Шифобахш наъматак

Наъматак таркибидан инсон саломатлиги учун зарур бўлган С, В2, Р, Е, К витаминлари, шунингдек, каротин, қанд, ёғ, органик кислоталар, флавоноидлар, пектин, маъданли тузлар мавжуд.

Абу Али ибн Сино таърифига кўра, наъматакнинг барча тури тозаловчи ва су-юлтирувчи хусусиятга эга. У қулоқ огриганда, қулоқ шангиллаши ва гувиллаши, тиш огригига фойда қилади. Наъматак гули, меваси, уруғи, барги ва ил-



дизи халқ табобатида қадимдан кенг қўлланилиб келинган. Унинг мевасидан тайёрланган дамлама ўпка сили, терлама, ўт қопининг яллиғланиши, меъда-ичак, буйрак-қовуқ касалликларига даво ҳисобланади. Унинг меваси танага қувват бағишлайди, модда алмашинувини яхшилади. Наъматак мевасидан тайёрланган дамлама танага қувват бериб, унинг чидамлигини оширади, йўтални кетказди, ҳазм йўллари яллиғланишини даволайди, жигар огригидан халос этади. Совуқ миҳозли ва қон босими паст инсонларга наъматак дамламасидан-да шифобахши йўқ. Каттик совуқда қўл, оёқ ва бошқа аъзоларни шамоллатганлар унинг дамламасидан тез-тез ичиб туришга, танани қиздириб, заҳарли моддаларни танадан ҳайдайди. Қовуқ ва буйрак шамоллаганда наъматак қайнатмасини беморга тез-тез иссиқ ҳолда ичириш лозим. Дамламани тайёрлаш учун наъматак мевасидан 10-15 донаси ювиб олинади ва сирли идишда 10-15 дақиқа қайнатилади. Дамлама тайёр бўлган, тиндириб истеъмол қилинади. Наъматак дамламасини истеъмол қилишда меъэрга амал қилиш даркор. Иссиқ миҳозли кишиларга наъматак дамламаси ва қайнатмаси тўғри келмайди. Чунки у бундай кишиларнинг ошқозон ости безига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

БИЛАСИЗМИ?

"Boeing 777" ва "787" самолётларида борт кузатувчиси ва учувчиларнинг ором олиши учун мўлжалланган деразасиз кичик хонага олиб борувчи яширин зина мавжуд.

Чилилик адвокат Хенаро Гахардо ойнанинг "эгаси" ҳисобланади. У 1954 йилда "Талка" кўчмас мулк агентлигида уни ўз номига расмийлаштирган.

ТУРФА ОЛАМ


Сув остидаги меҳмонхона

Ҳинд океанидаги Занзибар архипелаги таркибига кирувчи Пемба оролида ўзига ҳок сувоети меҳмонхонаси очилди.

Бу ерга ташриф буюрган меҳмон том маънода балиқлар орасида тунаши мумкин. Меҳмонхона соҳилдан 250 метр узоқликда жойлашган бўлиб, бир қарашда сузувчи уйни эслатади. У ерга моторли қайиқда борилади. Меҳмонхона уч қаватдан иборат. Унинг томида кундузлари қуёш нурида тобланиш, кечалари эса юлдуз санаса бўларкан. Энг қизиғи, меҳмонхонанинг барча томонлари ойнаванд девордан иборат бўлса-да, хонадан хонага ўтиш мумкин. Қалин ойналар ортида турли тусда товланувчи балиқлар сузиб юради. Шу боис, бу ерда ўзини худди улкан аквариумга тушиб қолгандек ҳис қилишингиз табиий.

Горизонтал лифт

"ThyssenKrupp" (Германия) компанияси муҳандислари келажак архитектурасининг бир қисми бўлиши кутилаётган лифт ихтиро қилишди.



Ҳа муаллифларнинг айтишича, бундай лифтга кабель керак бўлмайди. У одатий лифтлардан фарқи ўларок, горизонтал томонга ҳам ҳаракатланади. Қолаверса, ушбу лифт инсонни узоқ кутдириб қўймайди. Уни кутиш учун атиги 30 сония вақт кетаркан. Лифт магнитли тортиш технологиясини асосида ишлайди. Шу боис, у горизонтал томонга ҳаракатланиш имконини бериб, одамларнинг бинонинг исталган қисмига элтиб қўяди. Бироқ, янги лифт кўпроқ жойини талаб қилади. Бунинг учун бинонинг баландлиги камида 200-300 метр, эни ҳам шунга яраша кенг бўлиши керак. Шунда инновацион лифт бенқосон ишлайди. Айни пайтда янги технология асосидаги горизонтал лифт Германиянинг Ротвайль шаҳрида қурилмоқда.

3.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси фракция аъзоси Улуғбек Жалменовга опаси

Гулзода ЖАЛМЕНОВАнинг

вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардик билдиради.